Тошкент ҳақиқати

№ 140 (10.389).

1992 йил 3 октябрь шанба

Баҳоси 2 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ М. КОЙВИСТОНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Илгари хабар қилганимиздек, Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто жаноблари бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 30 сентябрь куни Тошкентга келди.

И. Каримов Ўзбекистонга илк маротаба расмий ташриф буюрган олий мартабали меҳмонни самимий қутлади ва халқаро сиёсат майдонида катта обрўга эга бўлган давлат раҳбарининг мамлакатимизга ташриф буюриши муҳим аҳамиятга эга, деди. Унинг фикрича, Хельсинки шаҳрида Ўзбекистон Республикаси имзо чеккан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги якунловчи ҳужжат Ўрта Осиё минтақасида тинчликни сақлаш ҳамда Европа мамлакатлари билан ҳар томонлама манфаатли алоқаларни йўлга қўйишда муҳим омил бўлади.

Финляндия Республикаси Президенти Тошкент аэропортида баёнот бериб, жумладан, шундай деди:

— Ўз мустақиллигини қўлга киритган ўзбек диёрига илк расмий ташрифимдан мақсад - Финляндия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар ривожига янги йўл очишдир. Биз Ўзбекистон билан расмий алоқаларни янги босқичга кўтариш тарафдоримиз, мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишни ҳамда барча соҳалар бўйича ҳамкорликни кенг миқёсда ривожлантиришни истаймиз.



СУРАТДА: азиз меҳмоннинг аэропортда кутиб олиниши.



СУРАТДА: олий меҳмон Р. Шредер номли институтда. Р. Нуритдинов олган суратлар.

МУЗОКАРАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

1 октябрь куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто билан учрашуви бўлиб ўтди.

Икки мамлакат Президенти эшикларни ёпиб қўйиб, яккама-якка суҳбатлашдилар. Халқаро масалалар ҳам, шунингдек иккала давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга, Ўзбекистон билан Финляндиянинг турли соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тааллуқли масалалар ҳам муҳокама қилинди. Иккала мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми қоидаларига ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг асосий ҳужжатларига содиқлиги тасдиқланди. Суҳбат давомида Европа давлатлари ҳамдўстлигидаги ва МДҲ мамлакатларидаги, жумладан, Ўрта Осиё минтақасидаги аҳвол масалалари ҳақида гаплашиб олинди.

Финляндия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор берилди.

Бу ерда, «Дўрмон» қароргоҳининг ўзида, шу куни Ўзбекистон ҳукумати вакиллари, мансабдор шахсларнинг Финляндия Республикаси ҳукумат делегацияси аъзолари билан учрашуви бўлди. Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга тааллуқли муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов қатнашдилар.

КОЙВИСТО ЖАНОБЛАРИ ТЎН КИЙДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Финляндия Президенти Мауно Койвисто рафиқалари билан бирга Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтига ташриф буюрдилар.

...1948 йилда институт сифатида иш бошлаган, ҳозир 32 ташкилотида 12 минг ходим ва ишчи хизмат қилаётган бу бирлашмада ҳар йили 30 миллион дона турли мева кўчатлари тайёрланиб сотилади. Лабораторияларда узумнинг уч мингдан ошиқ, шафтолининг 530, олманинг 600 дан кўпроқ тури мавжуд. Албатта, бу навларнинг ҳаммаси ҳам экилавермайди. Улар орасидан Ўзбекистон иқлимига мос келадиганлари, турли хил касалликларга бардош берадиганлари танлаб олиниб, парвариш қилинади.

Институт қошида анча вақтдан бери хилма-хил ичимликлар ишлаб чиқараётган синов-тажриба қайта ишлаш заводи ҳам кўпчиликнинг тилига тушган.

Делегация аъзоларини Тошкент вилоят ҳокими Сайфулла Сайдалиев, боғдорчилик, узумчилик ва виночилик бирлашмаси бош директори, академик Маҳмуд Мирзаев ва бошқалар кутиб олишди.

Меҳмонлар институт боғини сайр қилдилар. Турли-туман мева ва қовун-тарвузлардан татиб кўрган Финляндия Президенти ва унинг рафиқаси ўз қайратларини яшира олишмади.

Институтда меҳмонлар шарафига зиёфат берилди.

Финляндия Президентига азалий ўзбек удумига кўра тўн кийдирилди.

ТОШКЕНТ САМОЛЁТСОЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 1 октябрь куни нон-туз билан, анвойи куз гулдасталари билан кутиб олинди.

Мустақил Ўзбекистондаги мана шу йирик саноат корхонасининг маҳсулоти дунёнинг ўнлаб мамлакатларида машҳур. Юк ташувчи қудратли «ИЛ-76» самолётлари учувчиларга жуда манзур бўлган. Бу осмон кемалари олис Шимолда ва Қорақумда одамларнинг оғирини енгил қилмоқда, кўп тоннали юкларни ҳеч қаерга қўймасдан Тошкентдан неча минг километрлаб нарига элтиб бермоқда.

Президентлар бирлашманинг йиғув цехини кўздан кечирдилар. Бирлашма бош директори В. Журавлев олий мартабали меҳмонларга кўп минг кишилик самолётсозлар жамоасининг иши ҳақида гапириб берди, кўп йиллик шонли анъаналар билан уларни таништирди.

М. Койвисто буюртмачиларга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилган «ИЛ-76 ТД» самолёти бўлмалари бўйлаб экскурсия қилди (қудратли осмон кемаси ичида сайр қилиб юришни айни экскурсия дедик). Ҳурматли меҳмон юк ташувчи самолётнинг қатнов асбоб-ускуналари, техникавий имкониятлари билан ярим соат мобайнида танишиб чиқди. Бундай қизиқишнинг сабаби равшан: шу тоифадаги осмон кемаларини ишлаб чиқарадиган давлатлар дунёда унчалик кўп эмас.

Учрашув тугагач, авиация бирлашмасининг меҳнатчилари «ИЛ-76 ТД» самолётининг макетларини Мауно Койвисто билан Ислом Каримовга совға қилиб топширдилар.

(ЎзА).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

1 октябрь куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон — Финляндия ҳужжатлари имзоланди.

Икки Президент — Мауно Койвисто ва Ислом Каримов иштирокида тантанали вазиятда Финляндия Республикаси ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида сармоя сарфлаш ва уни ўзаро ҳимоя этишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида, шунингдек савдо, иқтисодий ва технология ҳамкорлиги ҳақидаги битимлар имзоланди.

Бу ғоят муҳим ҳужжатлар иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очади.

Шу куни иккала давлат бошлиқлари республика оммавий ахборот воситаларининг намояндалари ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий журналистлар билан суҳбатлашдилар. Мауно Койвисто матбуот учун баёнот берди.

1 октябрь куни кечқурун Ўзбекистон раҳбарияти номидан олий меҳмонлар шарафига қабул маросими ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН — ФИНЛЯНДИЯ:

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Ислом Каримов ва Мауно Койвисто журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Ўзбекистон — Финляндия ҳукуматлари ўртасидаги битимлар имзоланиши биланоқ 1 октябрь куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва Ўзбекистонда расмий равишда рўйхатга олинган хорижий журналистлар билан суҳбатлашдилар.

— Азиз дўстлар, мухтарам матбуот вакиллари, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти суҳбатни бошлар экан,— ҳозиргина инкита жуда муҳим, таъбир жоиз бўлса тарихий аҳамиятга молик ҳужжат имзоланди, бу ҳужжатлар Финляндия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги саҳифа очади. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, шунингдек ҳорижий сармояларни ҳимоя қилиш ва уларга кафолат бериш ҳақидаги шу ҳужжатлар пухта тайёрланган бўлиб, узоқ муддатга мўлжалланган, Финляндия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболини кўзда тутади.

Финляндия Президенти М. Койвисто жаноблари биз яшаб турган жуда мураккаб даврда Ўзбекистонга келиш ҳақидаги таклифимни қабул этгани учун, Койвисто жаноблар кескинликни юмшатиш, халқаро вазиятни барқарорлаштириш ишига жуда катта ҳисса қўшаётганлиги учун унга яна бир бор миннатдорлик туйғусини изҳор этмоқчиман, деди сўнгра у. Хельсинки сўзининг ўзида катта маъно бор. Унинг Ўрта Осиёда рўй бераётган воқеаларга қизиқиши, халқаро майдондаги зўр нуфузи, тажрибаси ва билими ҳам Тожикистондаги, ҳам бутун Ўрта Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларини ҳал этиш йўлини топишга ёрдам беради, деб ҳисоблайман.

Сўнгра Мауно Койвисто жаноблари матбуот учун баёнот берди. Мен ушбу ташриф вақтида эришилган натижалардан ғоят мамнунман, деб таъкидлади Финляндия Президенти.

Икки давлат бошлиқлари журналистларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтаришди.

Ўзбекистон Президенти фин телекомпанияси мухбирининг саволига жавоб қайтарар экан, ҳозир республика ҳукумати ўтказаётган сиёсат Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш принципларига мувофиқлигини, халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг талабларига тўла-тўкис мос келишини алоҳида таъкидлаб ўтди. У Ўзбекистонда пўё муҳолифат фаолиятига тўсқинлик қилиш, уни сиёсий жиҳатдан таъқиб этиш ҳоллари мавжудлиги ҳақида нопок кучлар қасддан тарқатаётган миш-мишлар ва уйдирмаларни қатъиян рад қилди. Ўзбекистон — суверен, мустақил давлат, унинг ўз Конституцияси бор ва ҳар қандай муҳолифат фаолияти шу Конституцияга мувофиқ бўлиши керак, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай давлатда шундай тартиб ўрнатилган, деб уқтирди у.

Журналистлар, Президент М. Койвистодан Ўзбекистон раҳбариятининг ҳозирги сиёсий йўлига баҳо беришни илтимос қилишди. М. Койвисто республикада турли тусдаги — ҳам миллий, ҳам халқаро муаммолар борлигини уқтиргач, Президент Ислом Каримовнинг мақсад ва муддаоларига тўла ҳайрихоҳлик изҳор қилди. Шунингдек Ислом Каримов ва у бошчилик қилаётган Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал эта оладилар, деб ишонч билдирди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

МАУНО КОЙВИСТО САМАРҚАНДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга сафари давом этмоқда. Меҳмонлар 2 октябрь куни Самарқанд шаҳрига жўнаб кетишди.

Мауно Койвисто жаноблари ва унинг рафиқасига Ўзбекистон бўйлаб сафарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва унинг рафиқаси ҳамроҳлик қилмоқда.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

(ЎзА).

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ М. КОЙВИСТОНИНГ 1992 ЙИЛ 1 ОКТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТДА МАТБУОТ УЧУН БЕРГАН

БАЁНОТИ

Бугун мен Президент Каримов билан биргаликда баъзи асосий халқаро масалаларни, шунингдек мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабат масалаларини ҳам ғоят муфассал муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдим.

Биз ўзаро муносабатларимизда муаммолар йўқлигини таъкидлаш имкониятига эга бўлдик. Биз, аксинча, барча соҳаларда ўзаро алоқаларимиз шитоб билан ривожланишига ишонч билан қарашимиз мумкин. Икки томонлама муносабатларимиз бизнинг мамлакатларимиз БМТ низомида ҳам, шунингдек Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг асосий ҳужжатларида ҳам кўрсатилган қоидаларга асосланган дир.

Мен Президент Каримовни рафиқаси билан Финляндияга ташриф буюришга таклиф этдим.

Ташқи ишлар вазирларининг, олий даражадаги мансабдор шахсларнинг суҳбатларида бир қанча халқаро масалалар, шунингдек икки томонлама муносабатларга доир масалалар янада муфассалроқ муҳокама қилинди.

Финляндия ўзининг Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхонасини шу тарзда ташкил қилмоқчики, унга кўра элчи Хельсинкида туради.

Биз халқаро масалаларга тааллуқли барча қарашларга кўпгина бир хил ёндашувлар борлигини таъкидлай олдик. Биз Ўрта Осиёнинг турли муаммолари тўғрисида, шунингдек, МДҲга тегишли масалалар тўғрисида анчагина ахборот олдик.

Ҳар икки томон савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликка қизиқиш билан қарамоқда. Финляндия ўз имкониятлари доирасида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга доир режаларни рўёбга чиқаришда қатнашишга тайёрдир. Бу масалалар Ташқи савдо вазирлигининг олий мансабдор шахслари ҳамда ишбилармонларнинг намояндалари билан бугун бўлган давра суҳбатларида, шунингдек бизнинг ишбилармонларимиз ҳамда Ўзбекистон иқтисодий турмуши вакиллари билан бўлган учрашувларда муфассал кўриб чиқилди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг асослари тўғрисида ҳозиргина имзоланган битимлар ҳам иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Бу битимлар корхоналар фаолиятини кучайтириш учун қулай имконият яратади.

Мен ташрифимнинг дастлабки куни мобайнида эришилган натижалардан жуда мамнунман. Биз бугун оқшом мобайнида давом эттиришимиз мумкин бўлган суҳбатлардан ташқари Ўзбекистон саноати ҳамда иқтисодиётининг кишида катта таассурот қолдирадиган тармоқлари билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Эртанги дастуримиз доирасида Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоят муҳим бўлган пахта етиштириш тўғрисида ахборот оламиз, шунингдек Ўрта Осиёнинг диққатга сазовор машҳур тарихий жойлари билан танишамиз.

ШОИРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 1 октябрь куни кечқурун Ўзбекистон миллий боғига келди. Олий даражадаги меҳмон улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан ўзбек халқига ҳурмат бажо этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Республика Ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов, Тошкент шаҳар ҳокими Атҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

(ЎзА).

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

СИНАБ КЎРИЛДИ

ҲЕЧ муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик Акмал Икромов номли жамоа хўжалигига чинакам эркинлик берди. Бу эса бошқарувнинг ташаббускорлигини кучайтирди. Ерга, техникага муносабатда хўжалик ўзининг ички тартибини ишлаб чиқди. Бу мураккаб эмас. Мана эътибор беринг. Сиз, айтайлик, механизаторсиз. Бир йилда мисол учун 20—30 минг сўм тондингиз дейлик. Ана шундан тракторингиз ёки терим машинангиз учун колхоздан нима олиб ишлатган бўлсангиз, шунинг нархи чегириб ташланадида, қолган пулни олаверасиз. Эҳтиёт қисмлар қимматлиги эса ҳар қандай кишини ўйлантириб қўяди. Бундай хўжалик ҳисобининг жорий қилиниши механизаторларни сергаклантириб қўйди. Бўлар бўлмасга эҳтиёт қисм деб мурожаат қилаверишдан воз кечдилар. Борини асраб-авайлашга ўргандилар. Трактор ёки терим машинаси очиқда, ёғин-сочин остида қолиб кетмайдиган, эҳтиёт қисм эса ташландиқ ҳолга келмайдиган бўлди.

Ҳар йили терим олдидан ўтадиган кўриклар терим машиналарининг нимага «қодир» эканликларини аниқлаб бермоқда. Яқинда хўжаликда яна ана шундай «имтиҳон» бўлиб ўтди. Унинг шартини жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, билимдон иқтисодчи Абдукарим Тошматов, техника парки бошлиғи Нуриддин Турғунов, бош агроном Холис Баҳатов, механик Эргаш Шодиев, техника хавфсизлиги бўйича масъул ходим Камол Элесбеков, бошқарув аъзоси, 9-бригада бошлиғи Турсунмурод Божақовлар ишлаб чиқишди. Бунга кўра уч ҳолат: терим машинасининг умумий аҳволи, терим аппаратининг ҳолати, терилган маҳсулот сифати ҳисобга олиниб, бал тартибида баҳо бериладиган бўлди. Ғолиблар учун пул мукофотлари белгиланди. Шартлар келишиб олингач, 29 сентябрь куни терим машиналари саф тортиб, 2-бригада даласига йўл олдилар.

Ҳар қандай синовнинг ўзига яраша масъулияти бўлади. Шундандир, балки, механизаторлар ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Уларнинг бир неча нафари билан суҳбатлашдик. Кайфиятлари яхши, тўрт қаторли машиналарда 150—160 тоннадан пахта териб бериш ниятидалар. Колхознинг Баҳодир Абдиев, Ўсканбой Усмонов, Баҳодир Олтмишев, Маҳмуд Ҳамроев каби механизаторлари бундан ҳам юқорироқ маррани кўзлашган.

Кўрик бошланди. Машиналар бирин-кетин пайкалга тушдилар. Майдон этагида эса терган пахталарини тележкага ағдара бошладилар. Комиссия аъзолари ҳар бир терим агрегатини эринмай кузатиб турдилар. Топшириқнинг бажарган машиналар яна йўлга тизилиб, кўрик ҳайъати аъзоларининг баҳосини кутдилар.

Якун жамоа хўжалигининг «Ўриқзор» чойхонасида бир пиёла чой устида айтилди.

— Паркдаги 17 машинадан 15 таси кўрикда қатнашди,— деди раис,— улар шартларининг ҳаммасини бажарган бўлсалар ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Аммо икки-уч кун ичида ана шу нуқсонлар бартараф этилиши шарт.

Бошқарув раиси илғор механизаторлар номини ҳам қайд этиб, ғолибларни санаб ўтди. Улар Ортиқ Исломов, Баҳодир Олтмишев, Маҳмуд Ҳамроевлар. Уларга пул мукофотлари топширилди.

Хўжалик далаларида машина терими бошланадиган кунлар яқин. Пахтаси қийғос очилган майдонлар механизаторларни орзиқиб кутмоқда. Бу йил колхозда 840 гектар пахта майдонининг 90 фоизидаги ҳосилни йиғиштириб олиш машиналар зиммасига юклатилган. Бу ишда суворийларга зафарлар ёр бўлсин.

С. ҲАСАНОВ.



● МАШИНА теримининг муваффақияти кўп жиҳатдан агрегатларнинг қандай сезланганлиги, далаларда олиб борилган тайёргарлик ишларига боғлиқ. Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги механизаторлари кўрик танловида бу масалага алоҳида эътибор берилди. Терим машиналари қайта-қайта синовдан ўтказилди.

Суратда: (чапдан ўнга) «Гулистон» агро-фирмаси раҳбари Карим Умрияев, агроном Убайдулла Отақулов ва механик-ҳайдовчи Жамил Муротовлар машина терими олдидан ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

А. МАЛЬЦЕВ сурати.

Ўзбек миллати ва республикамизда яшаб келаётган халқларнинг асрий орзуси, олий хоҳиши — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асоси қўлга киритилди, 135 йилдан бери давом этиб келган мустамлакачилик тизими чок-чокидан кетди, миллатимиз бошига офтоб тегди, у истиқлол, ҳуррият ва мустақил демократик давлатда яшайдиган бўлиб қолди. Халқимиз фахрланса арзийдиган муваффақиятлар қўлга киритилди, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди, маънавий ва маданий қадриятлари тикланди, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларига мустақиллик тинч, парламент йўли билан кириб келди, мустақил давлатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлди, уни ер юзидаги 130 дан зиёдроқ давлатлар тан олди. Ўзбекистон халқаро майдонга чиқди. Республикамиз ҳудудида барқарор маънавий-сиёсий вазият ҳукмрон бўлди. Халқимизнинг ижтимоий аҳволи собиқ СССРнинг бошқа жойларидагига нисбатан анча яхши бўлиб турди.

МУСТАҚИЛЛИК ТЎҒРИСИДА ҚИММАТЛИ АСАР

Бу жаҳоншумул-тарихий ғалабалар Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида бир йил мобайнида қўлга киритилди. Тарихимиз учун бу қисқа вақт, лекин шу вақтда амалга оширилган ўзгаришлар ўзининг моҳияти жиҳатидан ўн йилларча даврга тенг бўлиб, бу ўзгаришларда ғалабаларни идрок этиш, булар ҳақида бир қанча жилдлик китоблар ёзиш ҳаётнинг муҳим талабидир. Бу ғоят муҳим ва шарафли ишни Ўзбекистонда мустақиллик, истиқлол учун олиб борилган курашда раҳнамолик қилган ва бу ишда катта ҳақиқий жасорат кўрсатган республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг ўзи бошлаб берди. Бу ерда гап И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1992 й. 78 бет). деб номланган қимматли рисоласи ҳақида боради. Мазкур асарда муаллиф илмий-назарий жиҳатдан Ўзбекистонда биринчи бўлиб амалга оширилган бошқарувнинг ҳозирги талабига ва республика ижтимоий ҳаётига мос келган президентлик жорий этилганлиги, кенг миқёсда ислоҳотларни амалга оширишга ва жамиятни янгилашга киришилганлиги, давлат мустақиллигимиз қўлга киритилганлиги ҳақида фикр юритиб, мустақиллик ва истиқлолнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги аҳамиятини очиб берди.

Муаллиф таъкидлаганидек, Ўзбекистон халқи ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадулабад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Республика ўз олтинини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металларини қазиб чиқариб қайта ишламоқда ва сақламоқда. У авлод-аждодларимиз меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудратга таяниб ҳўжайин бўлди ва бу имкониятлар одамлар фаровонлиги ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. Рисолада Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат тузиш, якка ҳокимлик тизими илгаларидан қутулиш кўп партиявийлик ва хилма-хил фикрларга тоқат қилиш, демократия ва инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини қарор топтириш, республика давлат тизилмаларини мустақил давлат табиатига яраша тузиш соҳаларида олиб борилаётган тадбирлар аниқ таҳлил этилгандир. Унда Ўзбекистон Республикасининг халқаро сиёсат субъекти бўлиб, халқаро ҳамжамият ва хорижий давлатлар томонидан эътироф этилганлиги, унинг халқаро ташкилотлар ва уюшмаларда, халқаро сиёсатда фаол қатнашаётганлиги ҳам умумлашган тарзда ёритиб берилди. Республика илгари халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти эмасди, у иборали қилиб айтганда халқаро ҳамжамиятдан, ҳорижий давлатлардан «хитой девори» билан ўраб қўйилган бўлиб, эндиликда «республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатади» (8-бет). Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турли йўллари мавжуд. Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган ижобий тажрибалардан фойдаланади. Муаллиф ана шу фикрни таъкидлаб, бу йўлни танлаш ва амалга оширишдан мақсад ўз хусусиятларимизни эътиборга олишни, бу йўл халқнинг ижтимоий тараққиётига жавоб берадиган, Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишга хизмат қиладиган, аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзи, анъаналари ва урф-одатларини, ислом динини ҳисобга оладиган, ўзбек миллатининг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик сингари юксак фазилатларига эътибор берадиган бўлиши лозим деган қимматли хулосага келади. Бундан ташқари муаллиф Ўзбекистон ўз йўлини танлашда миллий-маданий, ахлоқий қадриятларни, минтақанинг қадимги тарихи, Шарқ мутафаккирлари ва файласуфлари қолдирган мероси, демографик вазият, республиканинг қулай геостратегик мавқеини, табиий иқлим шароитларини ҳисобга олажагини асослаб берди. И. А. Каримовнинг рисоласида яна бир қимматли фикр шуки, танланган йўлимиз республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган бўлиши, қолоқликни барҳам этиши, бошқа мамлакатга қарам бўлмайдиган бўлиши лозим. Рисоладаги истиқлол ва тараққиёт йўли сўзларининг моҳияти ҳам худди шундадир.

Мустақиллик кўп жиҳатдан демократия ва ижтимоий адолатли, халқчил давлатни бунёд этишга боғлиқдир. И. А. Каримов, «Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик-ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир» деб ёзди. У янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилишининг асосий белгилари ва томонларини — демократия принципларини жорий этиш, ҳокимият ваколатларини ажратиш, кучли ҳокимият вужудга келтириш, ҳуқуқ-тартибни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни бунёд этиб, бу давлатда қонунлар устиворлигини таъминлаш аҳамиятини кўрсатиб берди. И. А. Каримов «Ўзбекистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, Республика ўзбеклар қаерда яшамасин уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим», деб таъкидлади.

Рисолада озчиликдан иборат миллатларнинг, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий, маданий ҳуқуқларини, эркинликларини республикамизда таъминлаш, мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига ҳуқуқий тенгликни қарор топтириш, маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, фуқароларга тенг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ, тенг имкониятлар яратиб бериш масалалари бўйича ажойиб фикрларни илгари сурди.

Асарда инсонпарварлик ғояларига содиқлик, маънавият ва аҳлоқийликни қайта тиклаш, ўтмишда ўтган авлод-аждодларимиз яратган бой маданий меросни, ҳозирги миллий маданиятимизни эъзозлаш, ислом динига бўлган муносабатларда ижобий томон ўзгариш ясаш, таълимни ривожлантириш, одамларга ўз қобилият ва истеъдодини намоён этиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш, оилани мустаҳкамлаш, ёшларга ғамхўрлик қилиш каби вазифалар ҳам аниқлаб берилгандир.

И. А. Каримов ватанпарварлик, маънавият тўғрисида янги фикрларни ифодалаб, бундай ёзди: «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларига чиқиб олишда ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар, деб ҳисобларган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт».

Рисолада Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига доир қимматли фикрлар ҳам ўз ифодасини топди. Бу — миллий манфаатларимизга мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти эканлиги, хорижий давлатлар ва уларнинг корхоналари билан сиёсий, иқтисодий, савдо, маданий алоқаларни ривожлантириш бўлиб, ташқи сиёсатни амалга оширишда Ўзбекистон ўз миллий давлат манфаатларига устун аҳамият беради, бошқа давлатлар манфаатларини ҳам ҳисобга олади, деган фикрлардир.

Рисолада Ўзбекистон ташқи сиёсатининг олтита асосий принциплари янги сиёсий тафаккур негизида асослаб берилгандир (25—26-бетлар), унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида мойий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ғоят муҳим устивор йўналиши ҳисобланади. Дарҳақиқат, минтақа халқлари ўртасидаги бундай ҳамкорликни ривожлантириш объектив зарурат ҳисобланади, чунки улар минг йиллардан бери бирга яшаб келдилар, уларнинг маданиятлари, тарихи, тиллари, анъаналари, урф-одатлари, яшаш шароитлари, дини бир-бирига яқиндир, улар иқтисодий ва маданий ҳаётда бир-бирлари билан узвий боғлангандирлар.

Рисолада Ўзбекистоннинг Осиё ва Тинч океани минтақасида жойлашган мамлакатлар билан, айниқса, Туркия билан алоқалари ҳақида батафсил тўхталб ўтилган. Бу табиий ҳол, чунки Ўзбекистон ҳам худди шу минтақанинг марказида жойлашган мустақил давлатлардан бири ҳисобланиб, у минтақада барқарор тинчлик бўлишидан, давлатлар ўртасида турли алоқалар ривожланишидан манфаатдор. Унда муаллиф Ўзбекистоннинг Оврўпо, Шарқий Оврўпо мамлакатлари билан савдо-сотиқ, иқтисодий, дипломатия, молия соҳаларида ҳам алоқаси зарурлиги таъкидланади.

Муаллиф асари Ўзбекистон иқтисодиётини бозор иқтисодиётига ўтказиш учун яқин ўтмишдан мерос қилиб олинган оғир иқтисодий аҳволни, иқтисодиётимизни бирёқлама ривожланганлигини, у марказнинг



тизими очиб берди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги кўп жиҳатдан молиявий ишга, миллий валютани жорий этишга боғлиқдир. Бу масала энг асосий ҳисобланади, чунки мустақил давлат ўз миллий валютасига, ўз мулкига эга бўлмаса у ҳолда унинг мустақиллиги пуч бўлиб қолади, пул ишлаб чиқарадиган мамлакатнинг пул экспансиясидан қутулмайди. Бу ҳақда рисолада «Ўзимизнинг миллий валютамизни жорий этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилади» деб таъкидланган. Рисоланинг иқтисодий соҳаларга доир бетлари муаллифнинг тийран иқтисодчи эканлигини исботлайди.

Рисолада Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг тўрта асосий негизи ҳақида ишончли хулосалар берилган. Булардан биринчиси умуминсоний қадриятларга содиқ бўлиш ҳисобланади. Гап шундаки, миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятларга содиқлик тор, синфий қарашдан воз кечишни, умуминсоний қадриятларни синфий қадриятлардан устивор қўйишни тақозо этади. Иккинчи негиз эса халқимизнинг бой маънавий меросини мустаҳкамлаш, асрлар оша авайлаб келинган бу меросни, халқимиз анъаналарини тиклаш ва уларга янги мазмун бағишлаш ҳисобланади. Учинчиси эса инсоннинг ўз эркинликларини намоён қилиш, унинг камол топиши учун унга тенг иқтисодий, сиёсий ҳуқуқ бериш ва имконият яратиб бериш ҳисобланади. Тўртинчиси эса ватанпарварлик бўлиб, ҳар бир киши ўз ватанини севиши лозим. И. А. Каримов инсонпарварлик ва ватанпарварлик тушунчалари янги мазмунини очиб берди: «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсадга четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир... Ватанпарварлик, фуқаролар якдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир». Муаллиф асарининг яна бир қимматли томони — бу унинг маънавият тушунчасини янги мазмун билан бойитилганлигидир. Муаллиф маънавиятнинг қимматбаҳо мева сифатида қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан бирга етилган, деб тўғри талқин этди. Маънавият, муаллиф фикрига кўра, инсонга она сути билан сингади, у ўз халқимизнинг тарихини, унинг маданият ва вазифаларини чуқур билиш, тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади, маънавиятни инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Рисолада маънавиятни мустаҳкамлаш учун одамлар ижтимоий иқтисодий аҳволини яхшилаш лозимлиги, айни вақтда маънавиятнинг жамият тараққиётига таъсири ҳақида қимматли хулосалар берилади. Муаллиф маънавият учун, таълим, маданиятга ғамхўрлик қилиш лозимлигини таъкидлайди, мустақил Ўзбекистоннинг ёрқин келажаги миллатнинг миллий ўзлигини англашининг ўсишида, тиклanишида, ёшларга таълим беришни яхшилашда, жаҳон тажрибаси ва фантехника ютуқларини чуқур биладиган мутахассислар тайёрлашда, фуқароларнинг фидокорона меҳнатида, ишбилармонлар фаолиятида, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, жонажон Ватанимизни севишда ва унга фидойилик қилишда, миллий туйғу ва онгни ривожланишида, меҳнат аҳлини тарбиялашда эканлигини асослаб берди.

Хулоса қилиб айтганда И. А. Каримовнинг рисоласида янги сиёсий тафаккур, янгича ёндошув асосида жамият ҳаётининг энг муҳим саволларига илмий-назарий баҳо берилади, мустақил Ўзбекистон олдида турган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва халқаро соҳалардаги стратегик йўллар ва вазифалар илмий жиҳатдан аниқлаб берилган. Бу жиҳатдан олганда муаллиф рисоласи халқимиз учун Ўзбекистоннинг истиқлолда тараққиёт йўлини белгилаб берган дастур бўла олади. Рисолада баён этилган назарий вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш республикамизни тараққий топган мамлакатлар даражасига олиб чиқади, халқимиз учун муносиб ижтимоий ҳаёт яратиб беради. Шу боисдан ҳам мазкур рисолани тарғибот қилиш мафкура ходимларининг, оммавий ахборот воситалари ва зиёлиларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу асар ўзининг чуқур маъноси, мазмуни, етук назарий хулосалари ва келажагимизни идрок қилиши жиҳатдан энг ноёб илмий-назарий иш бўлиб, унинг дунёга келиши мустақил Ўзбекистон республикаси ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеликдир.

А. АКРОМОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЛОЙИҲАДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон мустақил давлатчилигининг ҳуқуқий асосини янги конституция лойиҳаси ташкил этади. Янги конституция қабул қилиш зарурати бир қанча сабаблар билан боғлиқ. Улардан энг муҳими иккита тарихий ҳужжат ҳисобланади: биринчиси 1990 йил 20 июнь куни республика Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси»дан келиб чиқиб, унинг асосий хусусиятларини лойиҳанинг муқаддимаси ва «Асосий принциплар» деган бўлимдан бошлайди.

Муқаддимада республика халқи инсон ҳуқуқларига ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлигини тантаналн равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда; ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб; демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини тасдиқлаб; халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган қоидаларини тан олган ҳолда; республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб; инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб; фуқаролар тинчлиги ва миллий иноқликни таъминлаш мақсадида ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур конституциясини қабул қилади, деб бошланади.

Қабул қилинаётган конституция, Асосий қонун республика халқи ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, суверен давлат эса унинг ягона иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари эса халқ олдида масъул эканлиги баён этилади.

Ўзбекистон халқи деганда биз республикадаги барча фуқароларни тушунишимиз керак. Лойиҳада ҳаётимизнинг энг муҳим масалаларини халқ муҳокамасига тақдим этилиши ҳам баён қилинган, яъни референдум ўтказиш қонунлаштирилган.

Янги конституцияга биноан Ўзбекистон халқи номидан фақат Олий мажлис ва Президент иш кўриши мумкинлиги айтилган. Халқ номидан бундан кейин сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс иш кўра олмайди.

Биринчи маротаба ҳокимият тизимининг учга бўлиниши ҳақида сўз боради. Ҳокимият энди қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланади.

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба ўз конституцияси ва қонунининг устунлиги тан олинганлиги баён этилади. Энди давлат фуқаролар олдида, фуқаролар эса давлат олдида жавобгарлиги принципи илгари сурилганлиги қуйидагича таърифланади: «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ўз фаолиятларида конституция ва қонунларга амал қиладилар». Бундан ташқари, республикамизда халқаро ҳуқуқнинг нормалари устунлиги тан олинади.

Маълумки, Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан бери уни 130 дан ортиқ мамлакат тан олди, улардан 49 таси биз билан дипломатик ва консуллик шартномаларини имзоладилар. Энди Ўзбекистон халқаро муносабатларининг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзосидир. Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақил суверен давлат эканлиги, унинг халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ва бошқа мустақиллик қирраларини баён этувчи асосий принциплар конституция лойиҳасининг биринчи бўлимида ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси асосида лойиҳада янги боблардан ва моддалардан иборат катта бўлимда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, ҳамда уларнинг кафолатлари баён этилган.

Маълумки, яқинда Ўзбекистон фуқаролиги тўғрисида қонун қабул қилинган эди. Фуқаролик тўғрисидаги қонун ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари декларацияси асосида қуйидаги ҳуқуқлар ҳақида лойиҳада биринчи маротаба сўз боради. Масалан, яшаш ҳуқуқи, ҳеч ким қонунсиз қамоққа олинмаслиги, айбланаётган ҳар бир шахс унинг айбини суд кўриб чиқмагунча айбдор эмаслиги, ҳеч кимни устидан унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги, турар-жой даҳлсизлиги, қонунсиз тинтув ўтказиш мумкин эмаслиги, ҳар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги, барча учун дин эркинлиги, виждон эркинлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистонга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи, жамият ва давлат ишларида иштирок қилиш, давлат органларига ёзма равишда арз қилиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш кабилар.

Конституция лойиҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига учта алоҳида модда аниқ ратилиб, уларда давлатимиз томонидан кафолат таъминланганлиги, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қила олиши ҳамда воята етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги баён этилгандир.

Шундай қилиб конституция лойиҳасининг асосий қисмини тапшкил этган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўғрисидаги бўлимда қўп янги ҳуқуқлар ва эркинликлар инсон учун аҳамиятсиз ҳуқуқ эканлиги ифодалаб берилди.

Республикамизнинг иқтисодий негизини ижтимоий бозор хўжалиги ташкил этади, дейилади лойиҳанинг 12 бобида. Буни қандай тушунмоқ керак. Бозор хўжалигида иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги устунлигининг ҳуқуқий кафолатланади.

Лойиҳада қайд қилинишича, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан баб баравар муҳофазаси, ҳалол рақобати ва ижтимоий-фойдали бўлиши таъминланади.

Мулк даҳлсиз бўлиб, унга мулкдор ўз хоҳишича эгалик қилишлиги, ундан фойдаланиш усули ҳам конституция йўли билан мустаҳкамланади.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, давлат томонидан муҳофаза этилади.

Асосий қонун лойиҳасида яна битта мутлақо янги боб мавжуд бўлиб, у оила ва никоҳ муаммоларига бағишланганлигидир. Унда оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида таърифланиб, бола тарбияси, ота-оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш каби ҳолатлар ҳамда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади, деб таъкидланади. Бундай бобни лойиҳада борлиги биёда оилага бўлган ҳурмат, бола тарбиясида бўлган иззат — яна бир бор инсон ҳақидаги ғамхўрликдан дарак беради.

Давлат ҳокимиятини ташкил этиш янги Конституция лойиҳасига асосан «ҳокимиятнинг бўлиниши» деган принцип асосида эканлиги маълум. Шунинг учун ҳар бир ҳокимият ҳақида алоҳида боб бўлиб, унда уларнинг ҳуқуқий статуси баён этилади.

Бешинчи бўлимнинг 18-бобида республиканинг Олий мажлиси ҳақида 15 та моддада батафсил Олий мажлиснинг ҳуқуқий ҳолати баён этилган. Шу бўлимнинг навбатдаги бобида республика Президентининг ҳуқуқий ҳолати очиб берилган. Алтта, ундаги тақсимланган ваколатлар ҳамда президентнинг ҳуқуқ ва бурчи тўлатўкис ўз ифодасини топганки, уларнинг ҳаммаси ҳақиқатан республиканинг Президенти Ўзбекистон давлатининг ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳақиқий бошлиғи эканлигидан дарак беради.

Лойиҳанинг 20-боби ижро этувчи ҳокимиятга бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ҳақида сўз юритилади. Конституцияга биноан Вазирлар Маҳкамасини президент тузади ва Олий мажлис тасдиқлайди. Унинг ҳуқуқ доираси алоҳида қонун билан белгиланади.

XXIII бобнинг 107-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши таъкидланган.

Суд ҳокимияти ўн йил муддатга сайланадиган республика конституциявий суди, республика Олий суди, республика Олий Ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон республикасининг Олий судидан, беш йилга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларидан иборат дейилади.

Конституция лойиҳасининг қолган бобларида маҳаллий давлат ҳокимияти, сайлов тизими, прокуратура, молия ва бюджет, мудофаа ва хавфсизлик ҳақида ҳамда конституциянинг кучга кириши ва уни ўзгартириш тартиби ҳақида сўз боради.

Республикамизнинг янги Конституцияси лойиҳасини эълон қилишдан мақсад у билан кенг халқ оммаси танишувини ташкил этиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини йиғиб, Асосий қонунни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Миринод ФАЙЗИЕВ,
юридик фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК БЕЛГИСИ

Мустақил республикамизнинг Конституцияси лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. Унда ҳурриятга эришган халқимизнинг турмуш тарзи омиллари, фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Айниқса оилага бағишланган 14-боб моддалари мени қаноатлантирди. Чунки ўзбек халқи қадим-қадимдан етимпарвар бўлиб келган, саҳий, хотамтой халқ сифатида танилган. Шу боис «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, улар учун ҳайрия фаолиятини рағбатлантиради» деган қоида жуда ўз ўрнини топган.

Айни пайтда шу моддани тўлдириш тўғрисида истакларим ҳам йўқ эмас. Масалан, кейинги йилларда кўп болали оналар, етим болаларни муҳофаза этиш мақсадида республикада, вилоятда болалар жамғармалари вужудга келди. Жамоатчилик асосидаги бу ташкилотларни қўллаб-қувватлаш дастлабки пайтларда яхши бўлди-ю, кейинчалик уларга эътибор сусайди. Ваҳоланки бундай жамғармаларга пул ажратиш ёки бошқа ёрдам кўрсатиш билан минглаб болаларнинг, оналарнинг ҳам турмушини яхшилаб бориш мумкин бўлади. Шу муносабат билан ана шу бандниг давомида республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, жамоа хўжаликлари, йирик саноат корхоналари вақти-вақти билан болалар жамғармаларига маблағ ажратиб турадилар, деган мавзудаги истакни қўшиб қўйишларини хоҳлардим.

Р. ЗОКИРОВА,
кўп болали она,
Тошкент шаҳри.

МЕНИНГ МУЛОҲАЗАМ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституцияси лойиҳасини синчиклаб, ҳар томонлама мушоҳада қилиб ўқиб чиқдим. Унинг ҳар бир сатри, ҳар бир моддаси республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, айни вақтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. У умуман тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига жуда мос келади, деб ўйлайман.

Конституциянинг тўққизинчи «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» сарлавҳали боби менда катта қизиқиш уйғотди. Унинг моддаларида ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари атрофлича баён қилинган, улар бирма-бир санаб ўтилган. Шу ҳуқуқлар амалда қўлланилса республикамиз ҳар бир аҳолисининг эркинликлари янада кўпаяди. Шунинг учун мен уларни тўла маъқуллайман. Айни вақтда бир моддаси бўйича фикр-мулоҳазаларим ҳам йўқ эмас.

Масалан, 39-моддада шундай дейилади: «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга». Бизнингча, уни янада аниқроқ қилиш керак. Жумладан «малакали» сўзидан олдин «бепул» сўзини ҳам қўшиб қўйиш керак. Бу билан республикамиз фуқароларини ижтимоий муҳофазаси муайян даражада яхшиланган бўлур эди.

Н. МИРҲАМИДОВА,
вилоят педагогика билим юрти услубчиси.

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Душанба, 5. X

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатни асрайлик», «Энг тез ёрдам», Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Паррандачилик — етти хазинанинг бири».
19.40 «Сиҳат-саломатлик».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Толибжон Содиқов таваллудининг 85 йиллигига.
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.20 «Тергов давом этади». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Миришкорлар».
20.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
21.10 «Хаёлимда ўзинг...».
21.55 «Лаҳза». Хабарлар.
22.05 «Дилдаги гаплар». Обид Асомов ва Ботир Муҳаммадхўжаев билан учрашув.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Эрталабки гимнастика.
9.30 «Кўриб, қулоқ сол» рукнининг премьераси.
9.50 «Висбаденга саёҳат». Бадиий фильм.
11.20 «Юмор антологияси». Овоз тақлидчиси Ю. Григорьев.
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...»
17.10 «Стартинейжер».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Куйга солинган шеърият.
19.00 «Вагон-03» публицистик туркумнинг премьераси. Кўрсатув муаллифи ва уни олиб борувчи А. Тихомиров. 1-кўрсатув.
19.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Менинг эрим ўзга - сайёралик». Бадиий фильм («Кўнгилочар» фильмлар уюшмаси).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 2-серия.
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.35 «Матбуот клуби»нинг махсус сони.
23.15 «Вазият».
23.45 «Блиц-прогноз».
00.35 «ОБА-НА». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.15 Тхэквандо бўйича халқаро турнир.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Кузирхоним».
9.20 «Трехпрудний хилват кўчасига бориб кел». Хужжатли фильм премьераси.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.00 «Агар сиз...».
10.30 Театр сафари А. Васильевнинг «Серсо» спектаклида.
11.50 Мульти-пульти.
12.00 Кундузги сеанс. «Кузатувчи». Бадиий фильм.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.50 «Бола тилидан».
16.20 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.40 «Рост» студияси. «Франция бўйлаб саёҳат».
17.10 Янгиликлар.
17.25 «Инсон меҳнат бозорида».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Манзарали фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
19.00 «Омад».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Душанба куни детектив. «Тергов». Бадиий фильм.
21.50 Спорт кўрсатуви.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Америка юлдузлари».
22.55 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.

Сешанба, 6. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Руҳ», «Мусаввир». Телефильмлар.
8.30 «Сеҳрли саргузашт». Бадиий фильм.
9.40 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Ахборот. Уни ўлчаш ва кодлаш усуллари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Болалик чоғларимда». Мультфильм.
18.20 Спорт байрами.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Маҳалла — ҳаёт мактаби».
19.55 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Пахта терими кундалиги.
21.15 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 Х. Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 1-қисм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Менинг маҳаллам».
19.30 «Уй-жойларни хусусийлаштириш — бозор иқтисодиёти талаби».
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қанотсиз ғозча». Мультфильм.
9.30 «Ясная Поляна қўшиқлари».
10.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.55 Футбол шарҳи.
11.30 «Турмуш икир-чикирлари». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси: 2-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.25 «Жамайка». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.30 «Сенинг аканг Валентин». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.55 «Театр». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Ён дафтар».
15.45 «Қишлоққа бобом ҳузурига». Телефильм премьераси (Владикавказ).
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 Кичик концерт.
17.10 «Қизлар орасидаги гап».
17.50 «Нодир живопислар». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Вагон-03». 2-кўрсатув.
18.50 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.35 «Навбат сизга артист». Е. Ласько (джаз).
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Режиссёр А. Вайда фильмлари. «Жангдан кейинги манзара».
23.05 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
23.15 «Кремль деворлари ортида».
23.45 «Ҳайкалтарош». Телефильм.
24.00 Янгиликлар.
00.35 «Бу телба, телба, телба Краснов». Ҳужжатли фильм премьераси.
01.20 Спорт кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳайвонот оламида».
9.50 Вариацияли мавзу. «Поручик Галицин, руҳан тушиб кетманг?».
10.45 «Шчёликов ҳақида меҳр муҳаббат ва ташвиш билан».
11.05 Кундузги сеанс. «Голливудга борадиган поезд». Бадиий фильм.
12.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

14.40 Телебиржа.
15.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
15.45 «Арзамас-16».
15.55 «Тилла новда».
16.55 «Рост» студияси. «Ун беш ёшли капитан».
17.25 Янгиликлар.
17.40 «Келинг, аниқлаб олайлик».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Амалий санъат». Хужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Серташвиш оила».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Қўшиқлар китоби.
21.05 «Ҳазонрезгилик».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 Хужжатли фильм.
22.45 «Хонанда».
23.20 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 7. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Рақс соҳибаси». Телефильм.
7.55 «Лайлак келди, ёз келди». Бадиий фильм.
9.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Устоз».
10.05 Турк тили.
10.35 Ўзбекистон композиторларининг романслари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Яшил орол сири», «Уйқу салтанати». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Қўнғироқча».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Наманган сеҳргарлари». Телефильм.
19.40 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳуқуқимизнинг олий дастури».
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 Х. Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 2-қисм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Шарқ лирикаси».
20.00 «Бизнинг интервью».
20.20 «Эсдалик учун дастхат». Ретро услубида мусиқа.
21.20 «02» тўлқинида».
21.40 «Кино ва замон». Кинодраматург О. Агишев билан суҳбат.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.20, 11.55, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.25 «Брэйн-ринг».
10.15 «Қизлар орасидаги гап».
10.55 Радонеж ва Бутунроссия роҳиб отаси вале Сергий хотирасига бағишланган тантанали юбилей тадбири. Союзлар уйининг Колонна залидан кўрсатилади.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Жамайка». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.30 «Рояль билан домино учун этюд». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.50 «Театр». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.35 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
17.55 Концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (18.55) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.55 «Назарбоевча муросаи мадора». Телефильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Марк Захаров мовизмлари».
22.20 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
22.30 «Манбалар» туркумидан. Телефильм.
22.50 И. Тальков ҳақида телевизион бадиий-публицистик фильм премьераси.
23.45 «Парасолька ва автомобиль». Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Сиёсий арбоблар даврасида.
9.50 Мусиқа устахонаси.
10.50 Россия қобусномаси. «Ёшлигимизда ўйнаб кулиб қолайлик».
11.30 «Асил ҳолича...».
12.25 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, суратга олаяпман».
12.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.00 «Хусусийлаштириш. Нуқтаи назарлар».
15.30 «Трансросэфир». «Николай Кузнецовга суиқасд».
16.15 Христианлар учун кўрсатув.
16.45 Вариацияли мавзу. «Россия оҳанглари».
17.15 Янгиликлар.
17.30 Мульти-пульти.
17.40 Спорт кўрсатуви.
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Мемнуне миллиардер».
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
18.50 «Қора денгиз». Хужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Концерт.
20.40 Истамбул, «Чарши» бозори.
21.10 Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.20 МХЛ кубоги. МАСК — «Спартак» (Москва). МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади (давоми).
22.55 Россия Конституцион суди залидан.
23.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.55 «Оркестр». Мусиқий фильм-балет.

Пайшанба, 8. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Нонни эъзозланг». Кинопрограмма.
8.35 «Қизни топинглар». Бадиий фильм.
10.00 Араб тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиёти. А. Қодирий прозаси.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталаримиз жасорати».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сахий эртак». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қомусий билимлар соҳиби». Академик Ҳабиб Абдуллаев.
19.40 «Куй — дил малҳами». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Салом, фестиваль!». XI Тошкент халқаро кинофестивали.
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.20 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Ҳамма учун байрам».
19.20 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 «Ҳа».
11.20 «Ойнаи жаҳонда фортепиано куйлари». Л. Тимофеева чалади.
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
14.10 «Оби-ҳаёт». Мультфильм.
13.20 Телефильм.
13.30 Кинолавҳа.
Кундузги киноэкспресс
13.35 «Бекат назоратчиси». Телевизион бадиий фильм.
14.40 «Икки кишилик сўқмоқ». Телефильм премьераси (Пермь).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Култук кампирлари». телефильми премьераси (Иркутск). Байкал соҳилларида яшовчи аёллар ҳақида.
17.40 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 «Вагон-03». 3-кўрсатув.
19.30 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.15 «Максима».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 М. Цветаева таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кўрсатув.
22.05 «Ҳарбий ревю».
22.30 Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда.
23.15 «Талаб қилинган кино».
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Бизнес ва сиёсат.
9.45 Христианлар учун кўрсатув.
10.15 «XX аср кадрда ва кадр ортида». А. А. Ханжонков. 1-қисм.
11.15 Вариацияли мавзу. «Дўстлар уйи».
11.45 «Тилла шпора».
12.15 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
12.30 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 82-серия.
13.20 Мульти-пульти.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.15 «Бозорга ўрганайлик».
15.45 Россия қобусномаси. Сергей Радонежский. 3-қисм. «Куликово жанги».
16.15 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар. «НАТОнинг кўз ва қулоғи».
16.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
17.30 Янгиликлар.
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Ёшлар».
18.30 Хабарлар.
18.45 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 «Дагарджик». Мусиқали кўрсатув.
21.10 «Катта опа». Видеофильм.
21.55 Манзарали фильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 Спорт.
23.10 Радиодаги концертлар.

Жума, 9. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бастакор Мухторжон Муртазоев». Фильм-концерт.
8.00 «Петькани кўрган борми!». Бадиий фильм.
9.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
9.50 «Сени излайман». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Ҳужайранинг тузилиши.
11.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Умид» (уйғур тилида).
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Ҳашоратларнинг турли туманлиги.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.25 «Гулбоғ лавҳалари». Телеочерк.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ғўза селекцияси марказида».
19.40 ЎзТВ хазинасидан. Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳуқуқимизнинг олий дастури».
21.30 Пахта терими кундалиги.
21.45 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Довюрак қуён ҳақида эртак». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Йўлак» («Қирғизтелефильм»).
18.50 «Севги муаммолари ҳақида суҳбатлашамиз». Светлана ва Улан Токомбаевлар.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Эл дуйносу». Қирғиз тили байрами.
20.30 «Сен суйгон обон». Н. Шерқулов.
21.00 «Қурултойдан кейинги ой». Қирғизистон Республикаси халқ ёзувчиси, Жаҳон «Қирғиз эл» жамғармасининг раиси Т. Қосимбеков.
21.30 «Ала-Тоо».
21.50 «Назар» (эълонлар, билдирувлар).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
9.30 Радонеж ва Бутунроссия роҳиб отаси вале Сергий хотирасига бағишланган тантанали ибодат маросими. Троиц-Сергий лаврасидан кўрсатилади. Танаффус пайтида (12.00) — Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
13.30 «Ўзинг билан олиб кет». Телевизион бадиий фильм.
14.45 «Энг билимдон қуён». Мультфильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Марказ».
17.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Плюх ва Плих». Мультфильм.
18.35 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.35 Миниатюра.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ёлғиз эркак учун қопқон». Бадиий фильм («Кўнгилочар фильмлар уюшмаси).
22.55 А. Майкапара чалади (клавесин).
«ВИД» таништиради:
23.10 «Сиёсий бюро».
23.40 «Музобоз».
01.00 «Авто-шоу».
01.15 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ватаним менинг».
9.50 Кипрас Мажейка. «НАТОдан репортажлар».
10.20 Мариин театрида мавсумнинг очилиши.
11.20 «XX аср кадрда ва кадр ортида». А. А. Ханжонков. 2-қисм.
12.20 «Ретро-шлягер».
12.45 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 83-серия.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.35 Телебиржа.
16.05 «М-трест».
16.20 Янгиликлар.
16.35 Жума кунлари Уолт Дисней. «Спунер». Бадиий фильм. 2-серия.
17.30 «Чашмалар».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Осиё тароналари».
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Ўрта Осиё». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Хонанда».
21.45 Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Қуролланган ва ўта хавфли». Бадиий фильм.

Шанба, 10. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
9.25 «Мушоҳада».
10.05 Ўлмас Умарбеков. «Ўз аризасига кўра». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
11.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Самсон ва Салли». Мультфильм.
12.45 «Андижон лавҳалари».
13.20 Султонпошша Ўдаева куйлайди.
14.00 Футбол майдонларида.
14.40 «Ишбилармонлар ҳузурида».

* * *

18.00 «Бўрсиқ учун уй». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Шаҳрисабз». Телефильм.
19.35 «Ижод саҳифалари». Тўлан Низом.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».
22.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ойдин кечалар».
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт — имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 «Бумеранг».
10.00 «Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан», И. Г. Кашинцев.
10.20 «Тиббиёт сиз учун».
11.00 «Авиакосмик салон».
11.15 «Валентина Машкова билан учрашув».
11.40 «Экологик хроника».
11.55 «Киноҳамдўстлик». «Бугунги Беларусь киноси». Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Олий насаб». Бадиий фильм (Беларусь— Польша); Мультфильм премьераси.
13.55 «Колима. Юзма-юз». Телефильм премьераси. 2-фильм (Санкт-Петербург).
15.00 Янгиликлар.
15.20 А. П. Чехов номли I халқаро театр фестивалига. «Астра» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси таништиради: «Бир спектакль репетицияси ёки Владимир Пахомов тахмини».
16.30 «Ҳайвонот оламида».
17.10 «Қизил квадрат».
17.50 «Енотлар». Кўп серияли мультфильм.
18.15 «Бахтли тасодиф».
19.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Телпак». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Михаил Жванецкий. «Танҳо ўзи».
22.25 «София Ротару учун гуллар». Концерт программаси.
23.45 «Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан». А. Панкратов-Черний.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Охирги сеанс. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Фариштанинг қалби». Бадиий фильм (АҚШ).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ҳужжатли панорама. «Бир шаҳар тарихи».
9.20 Мульти-пульти.
9.30 «03» кўрсатуви.

*

10.00—11.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Яна бир бор меҳр-шафқат ҳақида».
«Бизнинг мирас» (татар тилида).

*

11.15 Кундузги сеанс. «Баҳоларсиз ўтган тонг». Бадиий фильм.
12.20 «Қалб сайли». Ёзувчи Георгий Семёнов.

*

12.50—15.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Ҳамкорлик».
«Чисен» (корейс тилида).
«Манбалар».
«Полянлар меҳмонхонаси».

*

15.00 «Лого» телеўйини.
15.30 «Бурда моден» таклиф этади...».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 «Инсоният бойлиги». Видеофильм.
16.35 «Хонанда».
17.25 «Шифокорлар». Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Хабарлар.
18.20 «Доразмон». Мультфильм премьераси, 5-серия.
18.35 «XX аср комиклари». Чарли Чаплин. Кўрсатувни Э. Рязанов олиб боради. 1-қисм.
19.30 «Шчеликов ҳақида меҳр-муҳаббат ва ташвиш билан».
19.50 Чегарасиз футбол.
20.45 «Сигнал».
21.00 «XX аср комиклари». Чарли Чаплин. 2-қисм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 Қувноқ шамол.
23.20 Экранда Туркия киноси.
00.50 Туркия манзаралари.

Якшанба, 11. X

● ЎзТВ I

7.00 «Она-заминни асранг» Кинопрограмма.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Йўлбарсга муҳтожмиз». Бадиий фильм.
9.40 Таэквондо. Жаҳон чемпионати. 2-кўрсатув.
10.25 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув.
11.15 «Чорраҳа».
11.50 «Нақшингиз хуморимиан».
12.20 Сарвар Азимов. «Кўзлари чўлпон». Теленовелла.
13.05 «Халқ ижодиёти».
13.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларини излаймиз».

* * *

18.00 «Баҳодирлар бўтқаси», «Лизиков кўчасидаги мушукча». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.40 «Мерос». Нодира таваллудининг 200 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Пахта терими кундалиги.
21.15 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Сирли шарча». Кинокомедия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Мезгилбектин мезгили», «Ачик конул балдарбиз», «Дидар-шоу», «Лялька—Руслан ва унинг дўсти Санька». Бадиий фильм. Мультфильмлар.

* * *

18.05 «Оддий, хавфли саргузашт». Мультфильм.
18.15 «Бобок, сенин жомогун».
19.10 «Даги бир ирет жер жонундо». Ер жамғармасидан самарасиз фойдаланиш ҳақида.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 Бутундунё қирғизларининг биринчи қурултойи тантанали концерти.
20.50 «Адабиётчи С. Раев».
21.20 «Аёл». Телепостановка.

● «ОРБИТА IV»

6.20, 7.50, 14.55, 18.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 Жаҳон халқлари ижоди.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 «Чўчқабоқар». Мультфильм.
9.05 «Эрта саҳарлаб».
9.35 «Сиз бунга қодирсиз».
10.15 «Тонг юлдузи».
11.05 «Соло».
11.35 «Марафон-15».
12.20 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 13-серия.
12.45 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм.
13.25 «Саёҳатчилар клуби».
14.15 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Бир сўзни деб...».
15.45 Хоккей. Лига кубоги. МАСК — «Динамо» (Москва). 2 ва 3-даврлар. МАСК спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Эски сандиқда». Мультфильм.
17.30 «Баджаҳл Бамбир». Мультфильм.
17.40 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
17.50 «Уолт Дисней таништиради...».
18.45 Янгиликлар.
19.00 Руки премьераси. «Қойилмақом еттовлон».
20.00 Якшанба кинокўрсатувлари: Кино янгиликлари. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Паспорт». Бадиий фильм (Россия, Франция, Австрия, Исроил биргаликдаги маҳсулоти).
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телепоцня».
23.00 «Осиё овози». Куй ва қўшиқлар III халқаро танлови. Олмаотадан кўрсатилади. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Ибодатхона томон йўл».
8.50 Япон куйларидан концерт.
9.20 «Эскулап» программаси «Қизчалар ва болакайлар, сизлар учун» фильмини таништиради (Голландия).
9.30 «Қироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 7-серия.
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 Уз ишининг усталари. «Актрисанинг ифтихори». Т. Еремеева.
11.00 «Ати-бати...».
11.30 «Ҳоҳ ишонинг...».
12.00 Кундузги сеанс. «Ёвуз». Бадиий фильм.

*

13.35—17.35 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Янги Конституция — демократия учун кафолатдир».
«Ягона оилада».
«Рангинкамон» (тожик тилида).
«Дидар» (қозоқ тилида).
«Америка таассуротлари» (уйғур тилида).
«Дўстлар даврасида».
«Шеърият дафтаридан» (татар тилида).

*

17.35 «Кулги афсунгари».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Паулина синови».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Даволаниш йўли». Ҳужжатли фильм.
20.45 «7 дан 77 ёшгача».
21.45 «Инсон ва унинг хулқи».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Ойнаи жаҳонда премьера. «Сизни кузатиб қўйишга рухсат этинг». Бадиий фильм (Франция).
23.45 «Оқ қарға».
00.30 «Шарман-шоу».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 2 октябрь сонидан олинди.

● *Абдулла Қодирийни эслаб*

ШИЙПОНДАГИ УЛФАТЧИЛИК

1937 йилдаги қирғинбарот онламиз бошига оғир мусибатлар келтирди. Архив ҳужжатларнинг шоҳидлик беришича Абдулла Қодирий 1938 йили 4 октябрда Тошкент шаҳрининг Юнусобод томонида бир қанча знёлилар қатори отиб ташланган эканлар. Қазолари етмаганда дадамиз ҳозир 98 ёшга кирардилар.

Энди афсус чекишнинг фойдаси йўқ. Дадамиз жисман йўқотилган бўлсалар ҳам бироқ, қарийб бир асрдан бери халқ орасида яшаб келмоқдалар. Бунга сабаб дадамиз яратган асарларнинг умри боқийлигида, деб ўйлайман. Шунингдек, у киши ҳақидаги хотиралар ҳам гўё умр дафтарларини узайтиргандек бўлади.

Шу маънода мусулмон одати бўйича мен ҳам дадамизнинг дунёдан кўз юмган кунларида эслаб, улар ҳақидаги бир шингил хотираларимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола этаман.

Маъсуд АБДУЛЛАЕВ.

1954 йили тиббиёт олийгоҳини тугаллаб, йўлланма билан Чимкент вилоятининг Арис темир йўл бекати шифохонасида ишлай бошладим. Таниш-билиш орттирдим. Бир куни Абзалов Меҳмонали исмли биродарим мени тўйга таклиф этди. Тўйда ҳофизлар Бобохон, Акмалхон Сўфихоновлар ширалик овози билан хониш этишарди. Кейинчалик билсам, тўй қилгувчи биродарга ҳофизлар тоға бўлишар экан.

1974-75 йили бўлса керак, Асомиддин тоғам набира тўй қилдилар. Наҳорги ошга ўша машҳур ака-ука Сўфихоновларни таклиф этишганди. Ҳофизларни машинада олиб келишни тоғам менга буюрдилар. Наҳорги ошда ака-ука ҳофизлар билан бир сўрида Маъруфхўжа Баҳодиров ҳам галма-гал хониш қилишди.

Ошдан сўнг тоғам ҳофизларни машинада элтиб қўйишни буюрдилар. Хайрлашиш чоғида:

— Жияним Маъсуд. Абдулла акамнинг кичик ўғиллари, — деб уларга мени таништирдилар.

Ака-ука ҳофизлар: «Дадангизни қайта кўргандек бўлдик», — деб бошқатдан қучоқ очиб кўришдилар. Ҳофизларнинг уйи Кўкча бозорига яқин жойда бўлиб, оддий ўзбекона яшар эканлар. Акмалхон ака мени қўярда-қўймай уйларига таклиф этиб, суҳбат чоғида дадам билан учрашган кезларини эслаб, шундай ҳикоя қилиб бердилар:

— Биз асли Чимкент вилоятининг Сайрам ноҳиясига қарашли Қоратурт қишлоғида таваллуд топганмиз. Ака-уканинг ёшлигимиздан санъатга қизиқишимиз Тошкентга етаклади. Устозларда билимимизни оширди, санъатчи, шу билан бирга тошкентлик ҳам бўлиб кетдик. Дадангизни машҳур «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини мутолаа қилиб, ғойибона мухлис бўлсак керак, ака-ука маслаҳатлашиб Абдулла акамни зиёрат қилиш учун боғ ҳовлингизга жарлик кўчалардан йўл босиб, сўраб-истаб топиб келдик. Катта икки табақали эшик очиқ экан, шийпон атрофида акангиз зиёрат қилиш учун боғ ҳовлингизга жарлик кўчалардан йўл босиб, сўраб-истаб топиб келдик. Катта икки табақали эшик очиқ экан, шийпон атрофида акангиз бўлса керак: «Дадам уйдалар, чақириб бераман», деб узун қозиқ толлар экилган йўлакдан ичкари ҳовлига йўл олди. Узоқдан ўрта бўйли, қорачадан келган кулча юзли, қора соч, қора мўйловли, бошларида кўк сидирға духоба дўппи кийган киши аста бизга яқинлашиб: — келинглар, меҳмонлар, — деб самимий қаршиладилар. Бизни дадангизнинг салобати босди-ми, ўнғайсизлик билан ўзимизни танитиб: «Мухлисингиз бўламиз. Сизни зиёрат қилгани келдик», деб узр сўрадик. Шунда дадангиз кулиб: «Қани меҳмонлар марҳамат» деб ўзлари олдинда шийпонга йўл бошладилар. Фотиҳа ўқилиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлингач, акангиз кўринди. Абдулла акам чойнон буюрдилар. Биз ҳижолат тортиб узримизни айтгандик, дадангиз: «Ўз оёғи билан кириб келган меҳмон чақирилган меҳмондан азизроқ ҳисобланади», деб бизни дастурхонга таклиф этиб, чой қуйиб узатдилар. Биз ҳижолат бўлиб сукут сақладик. Абдулла акам: «— Ўртоқ санъаткорлар, мен ҳам сиз каби хонандаларнинг азиз мухлисиман. Қани энди сиздек хушовоз ҳофизлар кўпроқ етишиб чиқиб, чанқоқ халқини янги битилган ғазаллар хониши билан хушнуд этишса, — дедилар. Абдулла акам: — Сизлар янглишмасам машҳур табаррук Аҳмад Яссавий, қолаверса Юсуф Сарёмий таваллуд топган жой авлодларидансизлар» — деб давом этдилар. — Тарихга кирган машҳур аллоламаларни зиёрат этиш савоблидир. Мен Чимкентга қадам ранжида қилганимда Сайрамга ўтиб Юсуф Сарёмий кулбаларида бўлиб, туғишган авлодлар билан суҳбатлашиб қайтдим. Сайрам эл оғзига тушган машҳур фарзандлар эли бўлгани учун уни дунё мусулмонлари танийди, — деб таърифладилар.

Суҳбатимиз машҳур ғазалчи шоиру фузалолар устида қизғин ўтиб, пешин намози бўлиб қолгани учун биргаликда шийпон тагида пешинни ўқидик.

Намоздан сўнг кетишга тараддудлангандик, дадангиз:

— Бизнинг уйдан иссиқ таом емай кетиш айб ҳисобланади, — деб қайта шийпонга бошладилар.

Катта хитой лаганида шилпилдоқ келтиришди. Иштаҳа билан едик. Чой устида Абдулла акам: — Мен қачон Чимкентга ҳордиқ чиқаришга борсам, албатта шилпилдоқ буюраман, қимиздан сўнг хамир таом истеъмол қилишга не етсин, сизларга бизнинг тошкентча шилпилдоқ маъқул тушдими? Фақат қимизга қарздормиз, — деб бизни кулдирдилар.

Хайрлашиш вақтида Абдулла акамни қишлоғимизга Қоратуртга таклиф этдим. Дадангиз мамнун бўлиб: Насиб этса, албатта борармиз, деб ваъда бердилар.

Орадан 1—2 ой ўтказиб, Чимкентга таклиф этгани келсам Абдулла акамнинг бироз тоблари йўқ экан. Учинчи марта боғингизга Сайрам қазиси, қимиздан олиб, кўргани келдик. Ўша машҳур шийпонда суҳбат қурдик. Абдулла акам ўша кезлари «Обид кетмон» романларини ёзиб туғаллаш арафасида бўлсалар керак, «Хатиб домла» бобини мароқ билан қўлёзмаларидан ўқиб бердилар. Биз кулакула эшитиб қайтдик. Бироз ўтгач, «Обид кетмон» босилиб чиқди. 1935-36 йиллар Тошкентда қора кунларнинг авжи палласи, биз вақтинча ўз юртимизга кетишга мажбур бўлдик. Дадангизнинг ҳам туз-насибалари қўшилган экан, қамалганликларини эшитиб, кўз ёши тўкдик.

Абдулла ака саҳобалар қатори шаҳид бўлдилар, — деб Бобохон ака дадам руҳларига бахшида этиб, тиловат қилдилар.



● **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Олмазор кўчасида харидорларга хизмат кўрсата бошлаган бу магазиндан совға-салом учун дидингизга мос буюмларни харид қилиб олишингиз мумкин. Турли сопол буюмлари, хилма-хил тақинчоқлар, халқ усталарининг ўймакорлик ишлари сизга албатта манзур бўлади. Суратда: «Инвариант» қўшма корхонанинг магазинида савдо пайти.**
Р. Шагаев (ЎзА) сурати.


ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ вилоятининг Бекобод районидаги Зафарда жойлашган педагогика билим юрти талабалари билан шоир Барот Исроилнинг ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Билим юртининг директори Абдулла Элибоев шоирнинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб берди. Барот Исроил илк сўзини Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига бағишланган муҳаммаси билан бошлаб, янги шеърларидан ўқиди ҳамда талабаларнинг саволларига жавоб берди. Талабалар шоир шеърларидан ёд ўқидилар. Сўнгра шоирнинг шогирдларидан Малик Эгамов ижодкор ҳаёти ҳақида гапириб, устози шеърларидан намуналар ўқиди. Кечанинг бадиий қисмида Ўзбекистон телерадикомпаниясининг дуторчи қизлар дастаси хонандалари шоирнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни ижро этишди. Эстрада хонандаси Муҳаббат Ғофурова ҳам ўз қўшиқлари билан талабаларни хушнуд этди.

Гулчеҳра МИРЗАҲАКИМОВА, ТошДД журналистика факультети талабаси.

● БОШҚОТИРМА ●



1. Баҳор гули. 2. Катта варрак. 3. Иссиқлик ва ёруғлик манбаи. 4. Кун чиқиш ёки ботиш олдидан уфқда ҳосил бўладиган кўриниш. 5. Полиз экинларидан бири. 6. Қадимий янги йил. 7. Қанотлари қорамтир, ўзи сариқ сайроқи қуш. 8. Сершира ва майдароқ ўрик навларидан бири. 9. Чирой, гўзаллик. 10. Гулларнинг шайдоси бўлмиш ҳашарот. 11. Йил даври. 12. Инсоний раҳмдиллик. 13. Атргуллилар оиласига мансуб хушбўй гул. 14. Қуёшнинг ботиш пайти. 15. Сувсевар, сersоя дарахт. 16. Баҳор элчиси, гуллардан бири. 17. Сувнинг йўли.

Ф. ОРИПОВ тузган.

ЯПРОҚЛАР

● ҚАТРА

ЯНА КУЗ. Бўтана сувлар қўзғу каби тиниқлашган. Олмазор, ноксор, шафтолизор боғлар олтинранг беқасам тўнни елкасига ташлаб олган. Мажнунтолларни айтмайсизми? Бошларидан тилла тангалар сочилган, сонсаноқсиз олтин сирғалар сочларига илиниб қолганга ўхшайди. Дарахтлар тагига шабада эсса, бас, кўк юзини ўша олтин япроқлар тутиб кетади.

Олтин куз. Фаррош хола йўлкалардаги ҳазонларни катта ва қўпол супурги билан бир жойга тўпламоқда. Супурги қўполлиги сабабли йўлкаларнинг тупроқлари ўйнаб, чанг-тўзон кўтарилади. Хола тўпланган хазонлар ичига тутантириқ қилиб эски-туски қоғоз парчаларини тиқди-да, гугурт чақиб юборди. Қоғоз парчалари гуруллаб ёнди-ю, ҳазонлар эса бурқсиб тутай бошлади. Яқинроқ борган кишининг кўзларин ёшлантиради.

Мени хаёл чулғайди. Бутоқлар бўртиб, япроқлар сичқонқулоқ бўлиб ниш урган дақиқаларни ким ҳам орзиқиб кутмаган дейсиз?! Бу япроқлар бўй чўзиб, бутун ёз бўйи — саратонда бошимизга соябон бўлганини ким ҳам унутарди?! Улар енгил шабадаларда қарсак чалиб ҳаётни олқишладилар. Новвотдай нокни мазза қилиб тишлаб еяётган болакай бу ҳосил посбони япроқлар бўлганини биларми-кин?! Япроқлар, оловранг япроқлар! Боғлар кўрки, табиат чиройи шулардир асли! Энди шу япроқлар чирсиллаб ёнар, ўз умри тугаганини билдириб кўзларни ачиштиради.

Ҳар бир япроқни мен битта одамга қиёслагим келади. У илк баҳорда туғилди. Ўсиб, барқ урди. Ҳаётни олқишлаб қарсаклар чалди. Ажойиб ҳосилларни етиштириб берди. Энди эса... бурқсиб ёнмоқда. Қуюқ тутун осмонга ўрламоқда. Япроқнинг умри тугамоқда. Шу пайт ёнаётган япроқлар тилга кирди:

— Эй, одамзод!— дерди улар.— Бизларнинг кулимизни далаларга, дарахтлар тагига сочинглар. Келаси йил биз яна япроқлар бўлиб униб чиқамиз! Майли, ёндиринглар! Лекин кулимизни она-замин узра сочинглар!

ТЎЛҚИН.

ФИРМА ДЎКОНИ ИШГА ТУШДИ

ЯНГИЙЎЛ сутни қайта ишлаш корхонаси қошида фирма дўкони ишга тушди. Бу дўконда корхонада ишлаб чиқарилган сут, сариёғ, қаймоқ, бринза, сузма, қатиқ сотилмоқда. Бу маҳсулотларнинг нархи давлат савдо дўконларидагидан анча арзондир.

Дўконнинг очилишидан шаҳар ва район аҳолиси миннатдор бўлишяпти. Чунки бу ерда куннинг исталган пайтида сут маҳсулотларини ҳарид қилиш мумкин.

А. РИХСИБОЕВ.

ЛАТИФАЛАР

ЧОЙ ЁКИ ҚАҲВА

Официант келтирган қаҳвани ичиб, хўранда уни чақирди ва сўради:

— Айтингчи, бу қаҳвами ёки чойми?

— Чой билан қаҳванинг фарқини билмайсизми, жаноб?

— Йўқ, билмаяпман.

— Чой билан қаҳванинг фарқига бормасангиз, сизга барибир эмасми.

ПИРОГ

Хўранда:

— Официант, бу олма пирогими ёки шафтолиникими? Мазаси елимга ўхшайди.

Официант:

— О, жаноб, қўлингиздаги шафтоли пироги. Олма пирогимизда эса картон мазаси бор.

Б. ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Ҳар тўғрида

«ТАБАССУМ ҲУҚУҚИ»

«Табассум» халқаро операциясининг навбатдаги босқичида ҳусн жарроҳлиги соҳасининг 40 нафар хорижий жарроҳлари Кенияда 170 болани операция қилдилар, яъни шунча бола «Табассум ҳуқуқи»ни олди. Улар қуёнлаб ва бошқа нуқсонли болалар эди.

Шарқий Африкадаги бу мамлакатда «Табссум» халқаро операцияси олти йил муқаддам бошланган эди. Шу вақт ичида 700 нафардан кўпроқ бола ўз ташқи қиёфасидан уялмайдиган ва тенгдошлари билан дадил мулоқот қиладиган бўлди.

АРТИСТНИНГ ВАСИЯТИ

Нью-Йорк маҳаллий судида шу йилнинг май ойида Парижда вафот этган Марлен Дитрихнинг васиятномаси ўқиб эшиттирилди. Марлен Дитрих Америка фуқаролигига ўтган бўлса ҳам, Ватанида, Берлинда дафн этилди.

Бутун жаҳонга машҳур бўлган буюк актриса 350 минг долларлик бойлигини кўп қисмини қизи Мария Ривага қолдирди. У Нью-Йоркда яшайди.

Васиятномага мувофиқ Марлен Дитрихнинг шахсий ёзишмалари ҳар қандай шароитда ҳам сотилмаслиги ёки эълон қилинмаслиги керак. Актриса номидан фойдаланишдан тушадиган даромаднинг ҳаммаси унинг невараси Жон Пол Рива ихтиёрига ўтиши лозимлиги ҳам айтилган.

ҚАДИМИЙ МАЧИТ ТОПИЛДИ

Иордания археологлари мусулмонларнинг қадимий мачитини топдилар. Бу мачит 661—750-йилларда қурилган. Унинг ярим вайрон бўлган пойдевори Оммондан 75 километр шимолдаги ал-Мафрак шаҳридан 25 километр масофада топилди. Иордания археологи Абдаллах ан-Нассурнинг сўзларига қараганда, мачит ўша даврдаги энг катта иншоот бўлган. Унинг ҳисобларига кўра миноранинг баландлиги 10 метр, Маккага қаратилган меҳробнинг баландлиги 2—2,5 метр бўлган. Илгари маълум бўлмаган бу мачит айюбилар ва мамлюклар даврида бир неча бор қайта тикланган, ниҳоят XVII асрнинг бошларида зилзила вақтида бутунлай вайрон бўлган. Кейинчалик бинонинг бузилмай қолган қисмидан деҳқонлар уй-жойлар ва чорва моллари қўраси сифатида фойдаланганлар.

Топилманинг ноёблиги эътиборга олиниб, мачитни таъмирлашга қарор қилинди.

(РАТА—ТАСС хабарлари. дан).

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ДИҚҚАТ!

Сув қувурлари тизимида таъмирлаш-эҳтиётқорлик ишларини ўтказиш, шунингдек, 1992-93 йиллардаги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари олиб борилиши муносабати билан

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИҚ ИЧИМЛИК СУВИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ТАЪМИНЛАШ, БОШҚАРИШ ТРЕСТИ АБОНЕНТЛАРГА

6 октябрь соат 8.00 дан 7 октябрь соат 8.00 гача қуйидаги сув қувури тармоқларида сув бўлмаслигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Зангиота ноҳияси бўйича: А. Икромов номли («Ўзбекистон ССР 50 йиллиги») жамоа (давлат) хўжалиги, «Иттифоқ» (Назарбек) жамоа хўжалиги, «Туркистон» жамоа («Москва» давлат) хўжалиги, «Текстильшчик» давлат хўжалиги, «Дамачи» балиқчилик хўжалиги, «Хасково» давлат хўжалиги, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги, Занги ота номли жамоа хўжалиги, «Тонг» давлат хўжалиги, «Бўзсув» уруғчилик давлат хўжалиги, Улуғбек (Гагарин) жамоа хўжалиги, Тошкент махсус механизациялашган кўчма колоннаси, Ишлаб чиқариш-техникавий жиҳозлаш бошқармаси, Чўчқачилик саноат мажмуаси, Ноҳия марказий шифохонаси, «Тошкент» станциясидаги Темир йўл клиника шифохонаси, 484-механизациялашган кўчма колонна, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникуми, Қайта ишлаш корхонаси, УЯ 64/14 муассасаси, Техника-суғуриш илмий-тадқиқот илмгоҳи, «Ўзбекистон» паррандачилик бирлашмаси, Қорасув давлат наслчилик-паррандачилик бирлашмаси, Тошкент гўшт комбинати, «ТЭҚОС» фирмаси, Махсус корхона.

Янгийўл ноҳияси бўйича: «Дўстлик» («СССР 60 йиллиги») жамоа хўжалиги, «Тинчлик» («Коммунизм») жамоа хўжалиги, Бобур номли жамоа хўжалиги, У. Юсупов номли боғдорчилик-узумчилик комбинати, Ҳ. Турсунқулов номли жамоа хўжалиги, 2503-автоколонна, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги бирлашмасининг дам олиш маскани, Болтабоев номли жамоа хўжалиги, Янгийўлдаги «Умид» бройлер паррандачилик бирлашмаси, «Янгиобод» давлат хўжалиги, Н. Ниёзов номли жамоа хўжалиги, «Қуйи Бўзсув» ГЭСи, Ўзбекистон тўқувчилик машинасозлиги бирлашмасининг иссиқхонаси, Янгийўл йўллар бошқармаси, Ўрта овул ноҳияларо бирлашмаси (тара цехи), «Янги йўл» давлат хўжалиги, «Нов» қишлоғи, Янгийўл ноҳия таъмирлаш-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Халқобод ижарадаги озиқ-овқат комбинати, 14-меҳнат таълими муассасаси, «Жузумдик» давлат хўжалиги.

Чиноз ноҳияси бўйича: «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги, «Чиноз» наслчилик-давлат таълими хўжалиги, «Эшонобод» (Энгельс) жамоа хўжалиги, Эрназаров номли («24-Партсъезд») давлат хўжалиги, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги, «Янгиобод» давлат хўжалиги, Тельман номли пахта тайёрлаш пункти, С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Олмазор қишлоғи, Ноҳия марказий шифохонаси, «Ўзбекистон» («Ўзбекистон ССР 30 йиллиги») жамоа хўжалиги.

Маълумотлар олиш учун телефон: 47-03-20.

ТАШКИЛОТ

АВТОСЕРВИС УЧУН ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ

СОТУВГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

● «Элдис-1010, 1200» мувозанатлаш дастгоҳларини;

● автомобиллар учун кўтаргичлар;


● ғилдиракларнинг жойлашувини ростловчи стенд;

● шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш;

● электр вулканизатор ва бошқа мосламалар.

МАНЗИЛИМИЗ: 700099. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 34-25-81, 34-66-44.



МАҚУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ижарадаги Тошкент вилоят ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси

1992 йил 1 октябрдан

ҳар бир тонна қабул қилинган макулатўра учун 2500 сўмдан, бир кг. учун 2 сўм 50 тийиндан ҳақ тўлайди.

Маълумотлар учун телефон: 48-36-26.

«Ўзбекбурғаз» трести қошидаги «Ўзбекистон» ширкати

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Тошкент вилояти, Зангиота райони, БУТ, 283.**

Тошкент вилояти марказий поликлиникаси жаъмоаси поликлиника шифокори
Сумбула Болтаевна МУҲИДДИНОВАнинг
бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-398. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 31730 нусха босилади.